Мазкур шартнома матни ва шакли
Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармасининг
26.12.2017 й. №3Р/11-73/528-сон хати асосида МАЪҚУЛЛАНГАН

# ШАРТНОМА № 73/2

*(Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш ҳақида)*

17 январ 2022 йил. Бағдод тумани.

Ушбу шартнома бир томондан "FARG`ONA DORI-DARMON" акциядорлик жамияти номидан бошқарув раиси М.А.Турсунов вакиллигида келгусида "Ижрочи" ва иккинчи томондан Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ж.Шерғозив вакиллигида келгусида "Буюртмачи" ўртасида ҳар икки томоннинг амалдаги "Низом"лари ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига, шунингдек, бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги мазмунда туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 "Ижрочи" "Буюртмачи"га ушбу шартномага асосан умумий қиймати 74 997 555,74 (Етмиш тўрт миллион тўққиз юз тўқсон етти минг беш юз эллик беш) сўм 74 тийин
(сумма рақам ва сўз билан ёзилади)
бўлган дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар (келгусида "Товар" деб номланади)ни спецификацияга асосан бир маротабалик ёки йиллик талабнома асосида етказиб беради.

1.2. "Ижрочи" эса ўз навбатида ушбу "Товар" лар учун келишилган ҳақни шартноманинг 2-бўлимида белгиланган шартлар асосида "Буюртмачи" га тўлайди.

## II. ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

2.1. "Буюртмачи" шартнома имзолангандан сўнг етказиб берилиши лозим бўлган "Товар" умумий қийматининг 30 % ни олдиндан 22 499 266,72 сўм миқдорда "Ижрочи" нинг ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан тўлайди. Етказиб берилган "Товар" лар тўловининг қолган, яъни 70 % қисми эса "Буюртмачи" томонидан "Товар" қабул қилиб олингандан сўнг 30 (ўттиз) календарь кун ичида тўлиқ тўлаб берилади.

## III. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

3.1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

3.2. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул еки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши мумкинлиги хақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан окилона чоралар кўради.

3.3. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вакт ва шаклда қуйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа

сохаларда конунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш максадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдаи олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган хақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундан, тазйиқ ўтказиш ёки тахдид қилиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни хамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор қилиши шарт.

3.4. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошка рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа харакатларни амалга оширувчи тарафларнииг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан харакат килувчи бошка вакилларга) нисбатан қуйидаги харакатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий харакатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги хақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни фақат тарафнииг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб килиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширгаи хизматлари учун белгиланган хақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

3.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги холатлари хақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

3.6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу хавда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан окилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари хақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга хамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга хақли.

## IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

**4.1. “Ижрочи” нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

4.1.1. “Буюртмачи” томонидан “Товар” умумий нархининг 30 фоизи “Ижрочи” нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўлангандан сўнг “Ижрочи” “Буюртмачи” ни “Товар” билан таъминлайди.

4.1.2. “Ижрочи” “Буюртмачи” га тегишли ҳужжатлар асосида “Товар”ни белгиланган тартибда ҳамда белгиланган стандарт сифат даражасида топшириш мажбуриятини олади.

4.1.3. “Ижрочи” “Буюртмачи” га қулайлик яратиш мақсадида “Товар”ни ўз транспорт воситаларида “Истеъмолчи” нинг манзилгоҳига етказиб бериши мумкин. Бу ҳолда транспорт воситаси орқали етказиб бериш ҳаражати “Ижрочи” томонидан қопланади.

4.1.4. “Ижрочи” нинг транспорт воситасида етказилган “Товар” нинг миқдоридан аниқланган камомад ҳамда сифатсизликлар юзасидан “ Буюртмачи” “Ижрочи”нинг вакили иштирокида “Товар” етказилган кундаёқ далолатнома тузиб ҳолатни тасдиқлайди. Мазкур далолатномага асосан камомад ҳисоби “Ижрочи” томонидан тўлдирилади. Агарда ушбу ҳаракатлар ўз вақтида амалга оширилмаса эътироз асоссиз деб ҳисобланиб, инобатга олинмайди.

4.1.5. “Ижрочи” Соғлиқни сақлаш тизимидаги юқори ташкилотлар тасдиқлаган марказлашган тақсимот орқали дори воситалари ва мурувват ёрдамларидан келган “Товар”лар билан “Буюртмачи”ни таъминлайди. Тақсимотни тасдиқлаган ташкилотнинг рухсатисиз “Буюртмачи” “Товар” ни олишга ҳақли эмас. Транспорт ҳаражатлари “Буюртмачи томонидан қопланади.

**4.2.“Буюртмачи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

4.2.1. “Ижрочи” “Буюртмачи” дан шартнома тузилгандан сўнг етказиб берилиши лозим бўлган “Товар” учун уларнинг умумий қийматининг 30 фоизини олдиндан тўлагандан сўнг 10 календарь кун ичида тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, “Товар”ни ишончнома асосида қабул қилиб олиш ҳуқуқига эга.

4.2.2. “Буюртмачи” “Ижрочидан” дан Ўзбекистон Республикасида фармакологик рўйхатдан ўтказилиб, ишлатишга рухсат этилган, сифати, маркировка ва ўрамлари амалдаги фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган “Товар”ларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Етказиб берилган “Товар” сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмаса, “Буюртмачи” “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига мувофиқ “Товар”ни қабул қилишни ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, “Ижрочи”дан сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмайдиган “Товар” қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

## V. Томонларнинг мулкий жавобгарликлари

5.1. Томонларнинг мулкий жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонуни ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5.2. “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га берилган йиллик берилган буюртмаларни “Буюртмачи” ушбу шартноманинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ олиши шарт. Акс ҳолда “Буюртмачи”дан Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунининг 31-моддасига мувофиқ олинмай қолган (олиш асоссиз рад этилган) “Товар” суммасининг 5 фоизи, тез бузиладиган “Товар”лар бўйича эса 10 фоизи миқдорида жарима ундирилади

5.3. “Ижрочи” томонидан етказиб берилган “Товар” учун тўланиши лозим бўлган тўлов ҳақи “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган умумий сумманинг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда “Ижрочи” га пеня тўлайди.

5.4. “Буюртмачи”томонидан “Ижрочи”га йиллик берилган буюртмаларни етказиб беришни “Ижрочи” асоссиз равишда кечиктирса, кечиктирилган ҳар бир кун учун “Ижрочи” “Буюртмачи”га етказиб берилмаган “Товар” умумий қийматининг 0,5 фоизи миқдорида, аммо етказиб берилмаган товар умумий қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

## VI. Форс-мажор холатлари

6.1. Тарафлардан хеч бири бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (урушлар, фуқаролик тартибсизлиги, эпидемия ҳолати, блокада, эмбарго, табиий офатлар) билан боғлиқ ҳолатда бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

## VII. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Агарда келишувга эришилмаса

қонунчиликда белгиланган тартибда “Ижрочи” жойлашган жойдаги иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

## VIII. Шартнома муддати ва уни ўзгартириш тартиби

8.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат томонларнинг ўзаро ёзма келишувлари билан киритилиши мумкин.

8.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

8.3. Ушбу шартнома ғазначилик бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юридик кучга киради.

8.4. Шартнома 2022 йил “31” декабр кунига қадар амал қилади.

## IX. Томонларнинг почта манзили ва тўлов реквизитлари:

**“Ижрочи”**

**“FARG`ONA DORI-DARMON” АЖ**

Фарғона ш. Ал-Фарғоний кўчаси 50-уй
Омбори: Қўқон ш. Турон кўчаси 76-уй
Х/р: 20208000000215318001 МФО: 00493
Ўз.Р. ТИФ Миллий Банкнинг Фарғона бўлими.
ИНН: 200153801 ОКОНХ:71212
Тел: Фарғона (73) 244-66-14. инд:150100
Қўқон: (73) 543-21-37.

**“FARG`ONA DORI-DARMON” АЖ**
**бошқарув раиси: М.А.Турсунов.**

**“Буюртмачи”**

**Бағдод туман Тиббиёт бирлашмаси**

манзил: Бағдод шахарчаси
**шх/р:** 100022860302097073101054001
банк: Марказий банк Тошкент
СТИР: 200158873 ОКОНХ 91511
Ғазначилик бўлинмаси номи:
Бағдод тумани бўлинмаси
Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ
Ягона ғазна х/в: 23402000300100001010
МФО: 00014 СТИР: 201122919
Тел: 73-47-92-4-66

**Раҳбар в.б:____________ Ж.Шерғоз**

**С П Е Ц И Ф И К А Ц И Я   Ц Е Н.**

Приложение к договору № 7912

**Поставщик: "Фаргона Дори-Дармон" АЖ**
**Покупатель: БАГДАД ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ**

| №№ | № | Код товар | Наименование товаров и услуг. | Производитель | ЕдИзм | Серия | Колво. | Цена: ОПТ ЦЕНА | Цена: НДС | Цена: Реализация | Стоимость товаров | Срок годности |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 100 | 21.20.34.100-00058 | NPP ДЕКСАМЕТАЗОН 0,4% 1МЛ №5 | ООО НАМАНГАН ФАРМ ПЛАНТ | УП | 0291120-0381220 | 400 | 3100,00 | 0 | 3565,00 | 1426000,00 | 12.2023 |
| 2 | 71 | 21.20.10.130-00005 | АДРЕНАЛИНА-ЗДОРОВЬЕ ( ЭПИНЕФРИН) Г/Т 0,18% 1 МЛ №10 | ФЕРЕЙН СОАО | УП | 080520 | 10 | 12926,48 | 0 | 14157,57 | 141575,70 | 05.2022 |
| 3 | 23 | 21.20.13.141-00014 | АКТОВЕГИН 40МГ/5МЛ №5 церебролизин | TAKEDA GmbX | УП | 01400620 | 20 | 89984,00 | 0 | 103481,60 | 2069632,00 | 06.2023 |
| 4 | 104 | 21.20.26.100-00013 | АМИНОФЛАН Р-РД/ИНФУЗИИ 200 МЛ (АМИНОКИСЛОТ-(Aminoacids,) | СП ООО "Remedy Group" Узбекистон | УП | 128 | 38 | 48000,00 | 0 | 55200,00 | 2097600,00 | 03.2023 |
| 5 | 104 | 21.20.26.100-00013 | АМИНОФЛАН Р-РД/ИНФУЗИИ 200 МЛ (АМИНОКИСЛОТ-(Aminoacids,) | СП ООО "Remedy Group" Узбекистон | УП | 128 | 162 | 48000,00 | 0 | 55200,00 | 8942400,00 | 03.2023 |
| 6 | 106 | 21.20.39.120-00001 | АПРОСТАД ЛИОФ.ПОР.Д/ПРИГ.Р-Р 10000 АТРЕ №10 (ОВАМИН+НАТР ХЛОР-106) | СП ООО "Remedy Group" Узбекистон | УП | 16 | 20 | 180000,00 | 0 | 207000,00 | 4140000,00 | 11.2023 |
| 7 | 50 | 21.20.15.181-00010 | АТРОПИН СУЛЬФАТ Р-Р Д/ИНЪ 0,1% 1 МЛ №10 (50) | ООО Здоровье Украина | УП | 020820 | 20 | 6000,00 | 0 | 6900,00 | 138000,00 | 08.2025 |
| 8 | 107 | 21.20.44.121-00022 | ГЛЮКОЗА (ДЕКСТРОЗА) 10% Р-Р Д/ИНФ 100МЛ | ЖУРАБЕК Лабораториес СП ООО Узбекистон | УП | N0071121 | 400 | 2736,00 | 0 | 3146,40 | 1258560,00 | 12.2024 |
| 9 | 107 | 21.20.44.121-00022 | ГЛЮКОЗА (ДЕКСТРОЗА) 5% Р-Р Д/ИНФ 200МЛ | Радикс НПП Узбекистон | ФЛ | 081121,091121 | 600 | 2040,00 | 0 | 2346,00 | 1407600,00 | 12.2023 |
| 10 | 86 | 21.20.13.231-00014 | ДЕТСЕНОН 250МГ/2МЛ 2МЛ №25 (ЭТАМЗИЛАТ) | СП ООО" Узгермедфарм" Узбекистон | УП | 010321 | 10 | 52500,00 | 0 | 60375,00 | 603750,00 | 03.2023 |
| 11 | 24 | 21.20.12.150-00003 | ДРОЛОЦИТ ФОРТЕ 1000МГ/4МЛ 4МЛ №5 (ПИРАЦЕТАМ) | СП ООО "Remedy Group" Узбекистон | УП | 03 | 30 | 100000,00 | 0 | 115000,00 | 3450000,00 | 09.2023 |

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 12 | 36 | 21.20.23.122-00003 | ЗЕВЕНАК Р-Р Д/ИНЪЕКЦИЙ 75МГ/МЛ 4МЛ №5 (ДИКЛОФЕНАК ) | СП ООО "Remedy Group" Узбекистон | УП | 14,15 | 600 | 25000,00 | 0 | 28750,00 | 17250000,00 | 05.2023 |
| 13 | 129 | 21.20.16.130-00004 | ЗЕВОБАКТ (АМИКАЦИН) Р-Р 500МГ/2МЛ №1 (129) | СП ООО "Remedy Group" Узбекистон | УП | 13 | 140 | 22000,00 | 0 | 25300,00 | 3542000,00 | 12.2022 |
| 15 | 10 | 21.20.12.181-00005 | КАРБАМАЗЕПИН 200 МГ ТАБЛЕТКИ №50 | РУСАН ФАРМА ИНДИЯ | УП | 0362102 | 20 | 18164,69 | 0 | 20800,00 | 416000,00 | 04.2024 |
| 16 | 113 | 21.20.44.121-00024 | КСИЛЕТРОЛ Р-Р ДЛЯ ИНФУЗИИ 200 МЛ (НАТРИЯ ХЛ+КАЛИЙ ХЛ+КАЛЬЦИЙ ХЛ+МАГН ХЛ+кахрабо - КСИЛИТОЛ-113) | СП ООО "Remedy Group" Узбекистон | ФЛ | 01 | 30 | 27000,00 | 0 | 31050,00 | 931500,00 | 06.2022 |
| 17 | 79 | 21.20.10.140-00002 | МАГНИЯ СУЛЬФАТ 25 % 5 МЛ №10 (79) | Самсун-Ташкент Фарм ЛТД СП Узбекистон | УП | 0620919-0670919 | 100 | 4500,00 | 0 | 5175,00 | 517500,00 | 09.2023 |
| 18 | 107 | 21.20.31.110-00014 | МАННИТОЛ 15% 250,0 (ДЕКСТРОЗА+НАТРИЯ ХЛОРИД | ЖУРАБЕК Лабораториес СП ООО Узбекистон | ФЛ | 0010621 | 30 | 8585,00 | 0 | 9872,75 | 296182,50 | 07.2023 |
| 19 | 85 | 21.20.13.231-00002 | МЕР АМИНОКАПРОНОВАЯ К-ТА 5% 100 МЛ | МЕРРИМЕД ФАРМ СП ООО | ФЛ | 011220 | 20 | 10000,00 | 0 | 11500,00 | 230000,00 | 11.2023 |
| 20 | 181 | 21.20.19.160-00001 | МЕТРОНИДАЗОЛ - SEEM Р-Р Д/ИНФ 0,5% 100МЛ | Samarkand England Eco-Medical СП ООО | ФЛ | 11600821 | 400 | 2000,00 | 0 | 2300,00 | 920000,00 | 09.2023 |
| 21 | 8 | 21.20.12.210-00004 | МИДАЗОЛАМ 5МГ/МЛ 3 МЛ №5 (ДОРМИКУМ) | Московский Эндокринный завод ФГУП | УП | 31220 | 10 | 41843,38 | 0 | 44555,45 | 445554,50 | 12.2023 |
| 22 | 27 | 21.20.12.111-00005 | МОРФИН Г/Х 1 % 1МЛ (27) | ООО"Здоровье народу " ,Украина | АМП | 0590220 | 20 | 4566,98 | 0 | 4774,57 | 95491,40 | 03.2023 |
| 23 | 6 | 21.20.10.112-00012 | НАТРИЯ ОКСИБАТ 20 % 5 МЛ №5 - (Ketamine) (4) | Московский Эндокринный завод ФГУП | УП | 90820 | 10 | 20220,26 | 0 | 21837,88 | 218378,80 | 09.2024 |
| 24 | 111 | 21.20.44.121-00024 | НАТРИЯ ХЛОРИД (ИЗОТОНИК Р-Р 0,9 % 100 МЛ (111) 00017 | ДЕНТАФИЛ ПЛЮС Узбекистон | ФЛ | 481121 | 400 | 2150,00 | 0 | 2472,50 | 989000,00 | 12.2024 |
| 25 | 111 | 21.20.44.121-00024 | НАТРИЯ ХЛОРИД 0,9 % 10МЛ №10 (111) 00015 | ЖУРАБЕК Лабораториес СП ООО Узбекистон | УП | H191121 | 300 | 2691,00 | 0 | 3094,65 | 928395,00 | 12.2024 |
| 26 | 111 | 21.20.44.121-00024 | НАТРИЯ ХЛОРИД 0,9 % Р-Р Д/ИНФ 500 МЛ | ЖУРАБЕК Лабораториес | ФЛ | N1381221,N1391221 | 600 | 3992,00 | 0 | 4590,80 | 2754480,00 | 01.2025 |

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | СП ООО Узбекистон | | | | | | | |
| 27 | 111 | 21.20.44.121-00024 | НАТРИЯ ХЛОРИД-SEEM Р-Р 0,9 % 200 МЛ | Samarkand England Eco-Medical СП ООО | ФЛ | 16641221,31221 | 1 800 | 2500,00 | 0 | 2875,00 | 5175000,00 | 01.2025 |
| 28 | 7 | 21.20.10.112-00002 | НИРФОЛ 1% 20МЛ ЭМУЛЬСИЯ Д/ИНЪЕК (ПРОПОФОЛ-7) | Aculife Healthcare Pvt.Ltd., Sachana India | УП | 5I00292 | 20 | 33296,62 | 0 | 36818,38 | 736367,60 | 08.2022 |
| 29 | 94 | 21.20.29.142-00001 | ОКСИТОЦИН - ФЕРЕЙН Р-Р Д/ИНЪ 5МЕ 1МЛ №10 | Брынцалов-А ЗАО Россия | УП | 041020 | 150 | 5405,00 | 0 | 6215,75 | 932362,50 | 10.2023 |
| 30 | 28 | 21.20.23.121-00043 | ОМНОПОН Р-Р ДЛЯ П/К ВВЕД. 2% 1 МЛ (Tramadol) (28) | Московский Эндокринный завод ФГУП | АМП | 10920 | 100 | 7964,17 | 0 | 8480,36 | 848036,00 | 09.2023 |
| 31 | 24 | 21.20.12.150-00003 | ПИРАЦЕТАМ 20 % Р-Р Д/ИН 10 МЛ №10 (24) | ЖУРАБЕК Лабораториес СП ООО Узбекистон | УП | H051221 | 31 | 4950,00 | 0 | 5692,50 | 176467,50 | 01.2024 |
| 32 | 110 | 21.20.44.121-00058 | ПЛЕО Р-Р ДЛЯ ИНФУЗИИ 200МЛ ( (СОРБИТОЛ+НАТР.ЛАКТ+НАТР.ХЛОР+КАЛЬЦ.ХЛ +КАЛИЙ ХЛ+МАГН.ХЛОР) | СП ООО "Remedy Group" Узбекистон | УП | 136 | 300 | 27000,00 | 0 | 31050,00 | 9315000,00 | 10.2022 |
| 33 | 37 | 21.20.12.230-00005 | ПРОЗЕРИН Д/ИНЪ 0,05% 1 МЛ № 10 (НЕОСТИГМИН) | ООО Здоровье Украина | УП | 080921 | 40 | 5141,00 | 0 | 5609,42 | 224376,80 | 09.2025 |
| 35 | 19 | 21.20.12.221-00002 | СИБАЗОН (ДИАЗЕПАМ) Д/ИНЪ 0,5% 2МЛ №10 | ООО"Здоровье народу " ,Украина | УП | 01060320 | 20 | 16388,86 | 0 | 17451,10 | 349022,00 | 03.2022 |
| 36 | 130 | 21.20.16.120-00001 | СИПАЙМ Р-Р Д/ИНЪЕК 1,0Г (ЦЕФЕПИМ) | AXA PARENTERALS | УП | IAHP0002A | 172 | 11501,93 | 0 | 11810,02 | 2031323,44 | 10.2022 |
| | | | ЖАМИ | | | | | | | | 74997555,74 | |

от Поставщика:

подпись

М.П.

от Покупателя:

подпись

М.П.

FARG'ONA VILOYATI ... SHAHAR TURON KO'CHASI 76-UY "DORI-DARMON" A.J. DORIXONALAR OMBORI

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: LJ6572688052

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi** – Shartnoma.

**2.Loyihaning nomi** - Bag'dod tuman Tibbiyot birlashmasining "Farg'ona Dori-Darmon" Ajdan 74997555,74 so'mlik tibbiy buyumlar va dori vositalari sotib olish to'g'risida shartnoma.

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Bag'dod tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 17 yanvar kuni taqdim etilgan.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

Bag'dod tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti: E.Botirov